



68

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

5 яил „17“ январь

№ 12-Қ

Жамоа, давлат ва ижара  
хўжалиklarининг ички  
қурилишлари учун ер  
майдонини ажратиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги Қонунининг  
12 моддасига асосан жамоа, давлат ва ижара хўжалиklarининг ички  
қурилишлари учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Нарпай, Пахта-  
чи, Челак, Тайлоқ, Ургут туман ҳокимларининг қабул қилган қарор-  
ларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нарпай, Пахтачи, Челак, Тайлоқ, Ургут туман ҳокимларининг  
жамоа, давлат ва ижара хўжалиklarининг ички қурилишлари учун ер  
майдонини ажратиш тўғрисидаги қабул қилган қарорлари иловага  
асосан тасдиқлансин.

2. Нарпай, Пахтачи, Челак, Тайлоқ, Ургут туман ҳокимларига  
жамоа, давлат ва ижара хўжалиklarининг ички қурилишлари учун  
қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар ҳисобидан ажратилган  
ерларни янги ер очиш ҳисобидан қоплаш чора-тадбирларини кўриш  
юклатилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини таъминлаш вилоят ер тузиш ва  
ердан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси/ўрт.Р. Гуло-  
мов/га топширилсин.

Вилоят ҳокими

П.М. Абдурахмонов